

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 33

**МАВЗУ: ЙЎҒОН ИЧАК, УНИНГ ҚИСМЛАРИ ВА ЁШГА
ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

33-амалий машғулот (11-маъруза)

Мавзу: Йўғон ичак, унинг қисмлари ва ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга йўғон ичакнинг тузилишини, вазифасини унинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар

- Йўғон ичакдаги ҳосилаларнинг ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш

- Йўғон ичакнинг қисмларини кўрсатиш

- йўғон ичакнинг болалардаги хусусиятларини ўрганиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи йўғон ичакнинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушунтириб беради.

Йўғон ичак (intestinum crassum) ингичка ичакнинг бевосита давоми бўлиб, орқа чиқарув тешиги билан тугайди. Йўғон ичак қорин ва чанок бўшлиғида жойлашиб узунлиги 1-1,5 м, кенглиги 5-8 см, охирги қисмида 4 см га яқин. Йўғон ичакда қуйидаги қисмлар: кўричак чувалчангсимон ўсимта билан, кўтариловчи, кўндаланг, тушувчи чамбар ичак, сигмасимон ичак ва тўғри ичак тафовут қилинади. Йўғон ичак тузилиши жиҳатидан ингичка ичакдан бир нечта белгилари билан фарқ қилади.

1.Йўғон ичакнинг бўйлама мушак қавати ташқи юзасида кенглиги 1 см бўлган учта: эркин тасма, тутқич тасмаси, чарви тасмасини ҳосил қилади.

2.Йўғон ичакнинг ташқи юзаси текис бўлмай, мушак тасмалари ўртасида ташқарига бўртиб чиққан пуфаксимон кенгаймалари бор. Улар мушак тасмалари ва ичак қисмлари узунлигининг мос келмаслигидан ҳосил бўлади.

3.Йўғон ичакнинг ташқи юзасида эркин ва чарви тасмалари бўйлаб узунлиги 4-5 см бўлган ёғ ўсимталари бор.

4.Йўғон ичакнинг кенглиги ингичка ичакка қараганда икки мартагача катта.

Йўғон ичак девори қаватларининг тузилиши ҳам ўзига хос бўлади:

1.Шиллиқ қават яхши ривожланган, ворсинкалари бўлмайди. Унда яримойсимон бурмалар бўлиб, улар уч қатор мушак тасмалари ўртасида, гаустралар оралиғида жойлашади. Шунингдек якка ҳолдаги фоликулалар ва йўғон ичак безлари бор.

2.Шиллиқ ости қават яхши ривожланган бўлиб, шиллиқ пардада бурмалар ҳосил бўлишда аҳамияти катта.

3.Мушак қават икки қаватдан иборат. Бўйлама қават учта лента шаклида жойлашган. Айланма қават яримойсимон бурмалар остида бироз калинлашади.

4.Сероз ости тана йўғон ичакнинг қорин парда билан ўралган қисмида учрайди.

5.Сероз қават унинг ҳамма қисмини бир хил ўрамайди.

Янги туғилган чақалоқ йўғон ичаги узунлиги ўрта ҳисобда 63 см. Унинг мушак ленталари кам тараққий этган, қабариклиги ва ёғ ўсимталари йўқ. Йўғон ичакнинг пуфаксимон кенгаймалари бола 6 ойлик бўлганида, ёғ ўсимталари эса икки ёшда пайдо бўлади. Йўғон ичакнинг узунлиги 1 ёшда 83 см, 10 ёшда 118 см га етади. 6-7 ёшларда йўғон ичакнинг мушак тасмалари, пуфаксимон кенгаймалари ва ёғ ўсимталари тўлиқ шаклланиб бўлади.

Кўричак (саесум) йўғон ичакнинг бошланғич кенгайган қисми бўлиб, ўнг ёнбош чуқурчасида жойлашган. У ёнбош ичакнинг йўғон ичакка тушиш жойидан пастда бўлиб узунлиги 6-8см, кенглиги 7-7,5 см. қоринпарда билан ҳар томондан ўралган. Кўричакнинг орқа медиал юзасида мушак тасмалари ўзаро бириккан жойдан чувалчангсимон ўсимта (appendix vermiformis) бошланади. Унинг узунлиги 2-20 см кенглиги 0,5-1,0 см. У қоринпарда билан ҳамма томондан ўралиб тутқич ҳосил қилади. Бу ўсимтанинг жойлашиши турлича: юқори, паст, кўричакнинг орқасида бўлиши мумкин. Унинг шиллиқ пардасида жуда кўп гуруҳ шаклидаги лимфоид тугунлар жойлашган. Ёнбош ичакни кўр ичакка ўтиш жойида яхши тараққий этган бурма шаклидаги илеоцекал қопқоқ бор. У воронка шаклида, тор қисми кўр ичак бўшлиғига қарагани учун овқат массасини бир томонга қараб ўтказди. Илеоцекал қопқоқдан биров пастроқда кўр ичакнинг ички юзасида чувалчангсимон ўсимта тешиги жойлашган.

Янги туғилган чақалоқ кўричаги қисқа ва кенг бўлиб, конуссимон шаклга эга. Унинг узунлиги 1,5 см, кенглиги 1,7 см. 7 ёшда унинг шакли катталарникига ўхшаб қолади. Янги туғилган чақалоқда кўр ичак ёнбош суяги қанотидан юқориноқ жойлашган бўлиб, 14 ёшда у ўнг ёнбош чуқурчасига тушади. Янги туғилган чақалоқда чувалчангсимон ўсимта узунлиги 2-8см.

Кўтариловчи чамбар ичак (colon ascendens) кўричакнинг юқори томонга давоми бўлиб, қорин бўшлиғининг ўнг ён томонида ётади. Унинг узунлиги 15-20 см. Жигарнинг висцерал юзасига борганида ўнг чамбар ичак бурилиш бурчагини ҳосил қилиб, кўндаланг чамбар ичакка ўтиб кетади. қоринпарда билан олд ва икки ён томонидан ўралган.

Янги туғилган чақалоқда у яхши тараққий этмаган, узунлиги 7 см. Эмизикли даврда у ўзига хос букилмалар ҳосил қилади. Эмизикли даврда кўтариловчи чамбар ичак тез ўсиб узунлиги 9,6 см, 10 ёшда эса 13 см. Балоғат ёшида тузилиши катталарникига ўхшайди.

Кўндаланг чамбар ичак (colon transversum) ўнг чамбар ичак бурилиш бурчагидан бошланиб кўндаланг жойлашади. Унинг узунлиги 30-83 см (ўртача 50 см) бўлиб, чап чамбар ичак бурилиш бурчагини ҳосил қилиб пастга тушувчи чамбар ичакка ўтиб кетади. Кўндаланг чамбар ичакнинг узунлиги унинг бошланиш ва охириги нуқталари оралиғидан узун бўлгани учун одатда у пастга қараган равоқ шаклида жойлашади. Кўндаланг чамбар ичак қоринпарда билан ҳар томондан ўралган бўлиб, ичактутқич ҳосил қилади.

Бола ҳаётининг биринчи йилида кўндаланг чамбар ичакнинг узунлиги 26-28 см бўлса, 10 ёшда 35 см. Янги туғилган чақалоқ ва эмизикли болаларда кўндаланг чамбар ичак тутқичи қисқа бўлгани учун у кам ҳаракатли. Ичак тутқич узайган сари кўндаланг чамбар ичак ҳаракати эркин бўлади ва бўйига ўсади.

Пастга тушувчи чамбар ичак (colon descendens) чап чамбар ичак бурилиш бурчагидан бошланиб пастга томон чап ёнбош чуқурчасига тушиб S-симон ичакка ўтиб кетади. У қорин бўшлиғининг чап ён томонида ётади. Пастга тушувчи чамбар ичакнинг узунлиги 10-15 см. Уни қоринпарда уч томондан ўраган.

Янги туғилган чақалоқда пастга тушувчи чамбар ичак узунлиги 5 см. Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг узунлиги икки барабар ўсиб 10 см га етса, 5 ёшда 13 см, 10 ёшда эса 16 см бўлади. Униг ўсиши билан бирга йўғон ичакнинг талоқ букилмаси пайдо бўлади.

S-симон ичак (colon sigmoideum) чап ёнбош чуқурчасида ётади. У юқорида ёнбош суяги қирраси соҳасидан бошланиб, думғаза-ёнбош бўғими соҳасида тўғри ичакка ўтиб кетади. Сигмасимон ичакнинг узунлиги 15-67 см бўлиб, одатда иккита қовузлоқ ҳосил қилиб жойлашади. У қоринпарда билан ҳар томондан ўралган, ичактутқичи бор бўлгани учун ҳаракатчан.

Янги туғилган чақалоқда сигмасимон ичакнинг ичак тутқичи узун бўлгани учун қорин бўшлиғининг юқори қисмида жойлашади. Янги туғилган чақалоқда унинг узунлиги 20 см бўлса, 5 ёшда 30 см, 10 ёшда эса 38 см бўлади.

Тўғри ичак (rectum) ҳазм каналининг охириги қисми бўлиб, кичик чанок бўшлиғида жойлашади. Унинг узунлиги катта одамда ўртача 15 см, кенглиги 2,5-7,5 см. Тўғри ичакнинг орқасида думғаза ва дум суяклари турса, олд томонида эркакларда қовуқ, протата беzi, уруғ пуфакчалари ва уруғ олиб кетувчи най ампуласи, аёлларда эса бачадон ва қин жойлашади. Тўғри ичак одатда тўғри турмай сагиттал сатҳда иккита букилма: думғаза суяги ботиқлигига мос думғаза букилмаси ва оралиқда олдинга йўналган оралиқ букилмаси ҳосил қилади. Тўғри ичакнинг юқори қисми кенгайиб ампула қисмини ҳосил қилса, пастки торайган қисми орқа чиқарув каналини ҳосил қилади. Бу канал пастда ташқи тешик (anus) бўлиб тугайди. Тўғри ичакнинг бўйлама мушак толалари уни деворини тўлиқ ўраб, пастда орқа тешикни кўтарувчи мушак толалари билан чатишиб кетади. Ички айланма қавати эса чиқарув канали соҳасида ташқи тешикнинг ички (ихтиёрдан ташқари) қисувчи мушагини (m. sphincter ani internus) ҳосил қилади. Ташқи тешикни ташқи (ихтиёрий) қисувчи мушаги бевосита тери остида жойлашиб, чанок диафрагмаси мушаклари таркибига киради. Тўғри ичакнинг шиллиқ пардасида ичак безлари, яқка ҳолдаги фоликуллар, кўндаланг ва бўйлама бурмалар бор. Тўғри ичакнинг ампула қисми шиллиқ пардасида 2-3 та тўғри ичакнинг кўндаланг бурмалари бор. Орқа чиқарув каналида эса 6-10 та бўйлама бурмалари бўлиб, уларнинг ўрталарида орқа тешик синуслар бор.

Тўғри ичак қисмлари қоринпарда билан турлича ўралади. Унинг юқори қисми интраперитонеал, ўрта қисми мезоперитонеал ва пастки қисми экстраперитонеал ўралади.

Янги туғилган чақалоқ тўғри ичаги цилиндр шаклида бўлиб, узунлиги 5-6 см. Унинг ампула қисми ажралмаган ва букилмалари йўқ. Биринчи болалик даврида ампула қисми, 8 ёшдан сўнг эса букилмалари пайдо бўлади. Бу даврда орқа тешик синуслари ва устунлари яхши такомиллашади. Балоғат даврида тўғри ичак узунлиги 15-18 см, кенглиги 3,2-5,4 см бўлади.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўлаймиз. Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1.йўгон ичакнинг умумий тузилиши ва ингичка ичакдан фарқи. 2.йўгон ичак деворининг тузилиши. 3.йўгон ичакнинг қисмлари ва болалардаги хусусиятлари. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби тўлиқ бўлиб, кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади ва гуруҳнинг барча қатнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1. йугон ичак қисмлари қайсилар?

- а.кур ичак, чувалчангсимон қисмта, чамбар ичак
- б.кутариловчи тушувчи, чамбар ичак, тугри ичак
- в.кундаланг чамбар ичак, пастга тушувчи ва сигмасимон ичак
- г.кур ичак, кундаланг чамбар ичак, тугри ичак
- д.кур ичак, чамбар ичак, тугри ичак

2.янги туғилган болалар йугон ичаги узунлиги

- а. 10-20 см б. 30 см в. 40 см г. 63 см д. 50 см

3. йугон ичак ингичка ичакдан фарқ қилади

- а. plica circularis
- б. villi colli
- в. tunica serosa
- г. folliculi lymphatici agregoti
- д. haustra coli

4. йугон ичак ингичка ичакдан фарқ қилади

- а. appendicis epiploicae г. villi intestinalis
- б. plica circularis д. tunica serosa
- в. folliculi lymphatici agregati

5. йугон ичакда йўқ

- а. appendicis epiploicae г. villi intestinalis
- б. haustra coli д. tunica serosa
- в. plical semilunaris

6.йўгон ичак ингичка ичакдан фарқ қилади

a. plica circularis

г. villi coli

б. tenia coli

д. tunica serosa

в. folliculi lymphatici aggregati

7. йўгон ичакда бор

a.plicae circularis

г. tunica adventitia

б. villi intestinalis

д. villi coli

в.haustra coli

8.Чамбар ичакнинг қандай қисмлари бор?

А. кўтарилувчи, тушувчи, S-симон, тўғри

Б. кўтарилувчи, кўндаланг, тушувчи, S-симон чамбар ичак

В.кўр ичак, тушувчи, кўндаланг чамбар ичак

Г.кўр ичак, тўғри ичак, кўндаланг чамбар ичак

Д.тўғри ичак, кўтарилувчи ва тушувчи чамбар ичак

9.Тўғри ичакнинг шиллиқ пардасида қандай бурмалар бор?

А.кўндаланг ва бўйлама бурмалар

Б.айлама бурмалар ва безлар

В.лимфоид тугунлар ва кўндалаг бурмалар

Г.яримойсимон бурмалар ва лимфоид тугунлар

Д.айланма бурмалар ва лимфоид тугунлар

10 ЙўҒон ичак девори қандай қаватлардан иборат?

А.шиллик, мушак, сероз ости, сероз

Б.сероз, мушак, шиллик ости, шиллик

В.шиллик, шиллик ости, мушак, сероз ости, сероз

Г.шиллик ости мушак, сероз ости, сероз

Д.мушак, шиллик ости, сероз ости, сероз

Топшириқлар:

1. йўғон ичакнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг латинча номларини айтиб, вазифасини билиш

2. йўғон ичакдаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3. йўғон ичакнинг болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: йўғон ичак

Терминлар	Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
-----------	---------------	----------------------

лотинча	ўзбекча	русча		
---------	---------	-------	--	--

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба йўгон ичакнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба йўгон ичакнинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба йўгон ичакнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба йўгон ичакнинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

- 1.Йўгон ичак қандай қисмлардан иборат?
- 2.Йўгон ичакнинг ингичка ичакдан қандай фарқи бор?
- 3.Йўгон ичак девори қандай қаватлардан иборат?
- 4.Кўр ичакнинг тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?
- 5.Кўтарилувчи чамбар ичакни тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?
- 6.Кўндаланг чамбар ичакни тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?
- 7.Тушувчи чамбар ичакни тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?
- 8.Сигмасимон чамбар ичакни тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?
- 9.Тўғри ичакни тузилиши ва болалардаги хусусияти қандай?

Машғулотнинг таъминланиши

Ўазм аъзолари мажмуи ва йўгон ичакнинг расмлари, планшетлар.